



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ВА АДВОКАТЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-хуқуқ ислохотларининг муҳим таркибий қисми сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг самарали институтларидан бири бўлган адвокатуранинг роли ва аҳамиятини кучайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Суд ишини юритишнинг барча босқичларида томонлар тортишуви принципининг лозим даражада ишлашини ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилди, адвокатларнинг профессионал фаолиятини бажариши учун зарур қонунчилик базаси яратилди.

Шу билан бирга, таҳлиллар кўрсатганидек, адвокатура ҳанузгача одамлар ишончини қозонган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтга айлана олмади, адвокатларнинг ҳуқуқларини тўлиқ рўйбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган ва улар томонидан сифатли юридик ёрдам кўрсатилаётган ҳалал бераётган қатор омиллар мавжуд. Хусусан:

Биринчидан, суриштирув ва тергов органларининг айрим ходимлари томонидан адвокатлар ўзларининг ишонч билдирувчилари (ҳимояси остидагилари) олдига қилишларига юзаси сабабларга кўра тўсқинлик қилинмоқда, бундай ҳолатларда адвокатларнинг шикоятларини кўриб чиқишнинг амалдаги механизмлари адвокатлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолатларининг самарали олдини олишни таъминламайпти;

Иккинчидан, адвокатларнинг жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш учун турли ташкilotларга йўллаётган сўровлари кўп

ҳолларда, энг аввало, давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан эътиборсиз қолдирилмоқда, адвокат сўровини кўриб чиқишнинг аниқ тартиби ва муддатлари, била туриб ёлгон ёки нотўғри ахборотни тақдим этганлик учун жавобгарлик белгиланмаган;

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг (кейинги ўринларда Адвокатлар палатаси деб юритилади) адвокатура институти ҳимоячиси сифатидаги роли пасайиб кетган, унинг адвокатлар билан ўзаро ҳамкорлиги статистика йиғиш билан чекланиб қолмоқда ҳамда ортинча бюрократиядан иборат бўлмоқда;

Тўртинчидан, адвокатлик тузилмаларининг амалдаги ташкилий-ҳуқуқий шакллари юридик хизматлар кўрсатиш бозорига рақобатнинг ривожланишига хизмат қилмаётти, юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш адвокатлик фаолиятидан ажратилмаганлиги соҳанинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда;

Бешинчидан, адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тизими юридик амалиётнинг тегишли соҳаларга бўлинишини ҳисобга олмайдиган, бу эса адвокатлик касбининг итисослашувига салбий таъсир этмоқда;

Олтинчидан, адвокатлик лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш масалаларини кўриб чиқишда салмоқли маъмурий таъсир кўрсатишга йўл қўйилмоқда, натижада адвокатуранинг эркинлиги ва мустақиллигига путур етмоқда;

Еттинчидан, билими етмаслиги, ўзининг касбий мажбуриятларига виждонсиз муносабатда бўлиши сабабли адвокатлар томонидан Адвокатларнинг касб этикаси

қоидалари талаблари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдини бузиш ҳоллари кўп бўлиб келмоқда, бу эса ишонч билдирувчиларнинг (ҳимоя остидагиларнинг) норозилигига сабаб бўлмоқда.

Адвокатура тизимини тубдан такомиллаштириш, профессионал юридик ёрдам сифатини ва адвокат касбининг нуфузини ошириш, шунингдек, суд ишини юритишда тенглик ва тортишув принципларини тўлиқ рўйбга чиқариш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 июлдан бошлаб:

адвокат низоларни судгача ҳал қилиш, томонларни яраштириш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, ҳакамлик судьаси сифатида фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлади, адвокат томонлардан бирининг вакили бўлган ҳолатлар бундан мустасно;

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун адвокат тузилмасида мажбурий стажировка ўташ муддати олти ойдан уч ойга қисқартирилади, бунда давлат органлари ва ташкilotларининг юридик хизмати ходимлари ва судья, терговчи ёки прокурор лавозимида қамда уч йил фаолият юритган шахслар мажбурий стажировкадан озод этилади;

лицензияни тугатиш учун асос бўладиган адвокат томонидан узрли сабабларсиз ўз касб мажбуриятларини бажармаслик муддати амалдаги уч ойдан олти ойга узайтирилади;

суднинг адвокатни жинойят содир этишда айбдор деб топиш тўғрисидаги айблов ҳукми кучга кирган тақдирда, судья бир сутка ичда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини ва Адвокатлар палатасини

белгиланган тартибда ёзма хабардор қилади;

фаолият юритаётган адвокатлар ва янгидан адвокат мақомини олган шахслар Адвокатлар палатаси томонидан Адлия вазирлиги билан биргаликда белгиланган ҳар бир танланган мутахассислик бўйича алоҳида лицензия асосида юридик ёрдам кўрсатадилар. Бунда фаолият юритаётган адвокатларнинг лицензияларини қайта расмийлаштириш уларни танлаган мутахассислиги бўйича қайта аттестациядан ва йиғимларни тўлашдан озод этган ҳолда амалга оширилади;

адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Адвокатнинг касб этикаси қоидалари талаблари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди мунтазам равишда ёки бир марта кўпол равишда бузилганда, адвокатнинг шаъни ва қадри-қиммати-га доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этилганда, шунингдек, лицензиясининг амал қилиш тўхтатиб турилишига олиб келган ҳолатларни лицензиянинг амал қилиш тўхтатиб турилган муддатларда бар-тараф этмаганда, лицензиянинг амал қилиш тугатиш Олий малака комиссияси ҳулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг мурожаати бўйича фақат суд томонидан амалга оширилади;

адвокат мақомини олиш бўйича малака имтиҳонини такроран топшириш муддати бир йилдан олти ойгача қисқартирилади.

Давоми 3-бетда. ►

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МАРКАЗИЙ ҚЎМОНДОНЛИГИ ҚЎМОНДОНИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 май кuni амалий таширф билан мамлакатимизга келган АҚШ Қурулли Кучлари Марказий Қўмондонлиги қўмондони, генерал Жозеф Вотелни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, технологик, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик жадал ривожланиётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Учрашувда хавфсизлик, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик соҳаларидаги ўзаро алоқаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақада барқарорликка таҳдид солаётган замонавий хавф-хатарларга қарши курашиш, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Генерал Ж.Вотел давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, АҚШ Президенти Дональд Трампнинг саломини ва эзгу тилакларини етказди.

АҚШ жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ўтказилган Афғонистон бўйича халқаро конференция якунларини юксак баҳолаши ва кўлаб-қувватлаши қайд этилди.

Ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш, Афғонистон ва бутун минтақа давлатлари манфаатларига хизмат қиладиган йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратиши алоҳида таъкидланди.

Мулқот якунида Ўзбекистон Президентининг АҚШга қўйлаётган расмий таширфи Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариши, ўзаро манфаатли ҳамкорлигини аниқ амалий мазмун билан бойитишига қатъий ишонч билдирилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар иқтисодийёт тармоқларини рақамлаштиришда, шу жумладан, электрон тижоратни ривожлантиришда муайян натижаларга эришиш имконини берди.

Шунга қарамай, мамлакатда электрон тижоратнинг тўлақонли бозорини яратишга, товарлар (хизматлар) ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарнинг ташиқ бозорларга чиқишига тўсиқ бўлаётган қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Хусусан:

Биринчидан, электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг амалдаги тизими соҳа тараққиётининг жадал суръатлардаги ўзгаришларига мос келмайдиган ва ўз навбатида аҳоли кенг қатлами ва тадбиркорлик субъектлари учун электрон тижоратдан фойдаланиш имконини таъминламайди;

Иккинчидан, маҳаллий тадбиркорлик субъектларига ташиқ бозорларда тўлиқ рақобатлаштириш, шунингдек, харажатларни оптималлаштириш имконини

бермаётган электрон тижорат орқали товарлар (хизматлар)ни экспорт қилишнинг эскирган бюрократик тўсиқлари сақланиб қолмоқда;

Учинчидан, электрон тижоратни ривожлантиришга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш жараёни лозим даражада йўлга қўйилмаган, бу эса иқтисодийётни рақамлаштириш ва тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг тўхтаб туришига олиб келмоқда;

Тўртинчидан, маҳаллий тўлов тизимларининг машхур хорижий аналоглари билан интеграцияси йўқлиги, мамлакат тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат соҳасидаги етакчи хорижий ташиқлотлар билан тўлиқ халқаро ҳамкорликда ишлашларига, шунингдек, маҳаллий бозорнинг экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигига таъсир қилмоқда;

Бешинчидан, электрон тижорат имкониятлари ва афзалликларини, жумладан, товарлар (хизматлар) учун, айниқса, жойларда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш даражаси

пастлигига қолмоқда, бу эса хуфёна иқтисодийёт ҳажмининг ошишига ва давлат бюджетига солиқ тушумларининг камайишига олиб келмоқда;

Олтинчидан, амалдаги солиққа тортиш тизими электрон тижорат соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари, жумладан, ахборот воситачилари фаолиятини кенгайтиришни рағбатлантирмайди, бу эса Интернет тармоғи орқали махсулотларни хуфёна айирбашлаш ҳажми ошишига олиб келмоқда, шунингдек, ушбу соҳага инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб қилишни чекламоқда.

Мамлакатда электрон тижоратни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, товарлар (хизматлар) ни Интернет тармоғи орқали реализация қилиш учун замонавий механизм ва тартиб-таомилларни жорий қилиш, маҳаллий тадбиркорлик субъектлари махсулотларини экспорт қилиш географиясини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш мақсадида:

Давоми 2-бетда. ►

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БУЮК АЛЛОМАЛАР, АДИБ ВА МУТАФАККИРЛАРИМИЗ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИ КЕНГ ЎРГАНИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА КИТОБХОНЛИК ТАНЛОВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарабини юксалтириш, уларнинг қалбига она Ватанимиз ҳамда халқимизга муҳаббат ва садоқат туйғусини кучайтириш, баркамол шахсини тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қадимий ва бетакрор диёримиздан етишиб чиққан буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг юксак гуманистик ғояларга асосланган бой маънавий мероси умумбашарий цивилизация ва маданият, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилгани дунё жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда эътироф этилади.


Улғу аждодларимизнинг ақл-заковати ва бадий даҳоси билан яратилган ноёб асарлар, хусусан, математика, минералогия, астрономия, кимё, тиббиёт, фармацевтика, меъморлик, тарих, адабиёт, санъат, илоҳиёт, фалсафа ва бошқа соҳаларга оид манбалар нафақат бизнинг халқимиз, балки жаҳон ақлининг бебаҳо бойлиги ҳисобланади.

Ана шундай бекиёс меросимиз асосида ташкил этилган «Ёш китобхон» танловида 250 минг нафарга яқин ёш иштирок этиб, танлов ғолибларига «Президент совғаси» — энгил автомашина топширилгани ёшлар ўртасида китобхонлик маданияти ривожланишига муҳим таъсир ўтказди.

Буюк адиб ва мутафаккирларимизнинг нодир мероси, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятига ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларимизни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг оммалаштириш мақсадида:

Давоми 2-бетда. ►

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ТАШАББУСЛАРИ ВАШИНГТОНДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ



МУНОСАБАТ

Инсоний бурчимиз

Президентимиз таклифи олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари, кенг жамоатчилик зиммасига улкан масъулият юклайди



Муслиҳиддин МУХИДИНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Самарқанд давлат университети профессори: — Президентимизнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маросимдаги нуқтада биз олимлар зиммасига масъулиятли, айни чоғда шарафли вазифа қўйилди: «Мен тарихчи олимларимизга, адабиёт ва санъат арбобларига, кенг жамоатчилигимизга бир тақдиф билан мурожаат қилмоқчиман. Бу дахшатли урушда қатнашган ота-боболаримизнинг қаҳрамонлиги ҳақида янги-янги асарлар яратиш, жумладан, аниқ тарихий ҳужжатлар асосида мукамал китоб-альбом тайёрлаб, нашр этишнинг, уйлаймани, вақти-соати келди».

Биз аввало бу топшириқнинг маъно-мазмунини аҳамиятини чуқур англаб олишимиз керак. Бу йил Иккинчи жаҳон уруши тугатганига 73 йил тўлди. Уруш қаҳрамонларининг сафи ҳам йилдан-йилга сийраклашиб бормоқда. Улар билган, кўрган қанча-қанча тарихий воқеаларни, уруш хотираларини ёзиб олиш, келажак авлодларга етказиш барчанинг, айниқса, тарихчи олимларнинг вазифаси бўлиши керак.

Мамлакатимиз раҳбарининг барча зиёлиларга қилган мурожаати, тақлифи замирида мана шу эзгу мақсад, хайрли ҳаракат мужассамлашган.

Менинг назаримда яратиладиган китоб-альбомда Иккинчи жаҳон урушидаги буюк ғалабага Ўзбекистон кўшган ҳисса, фронт ортини мустаҳкамлашда юртдошларимизнинг фидокорона меҳнатлари, уруш қаҳрамонларининг тарихий хизматлари ўз ифодасини топади.

Йиллар давомида сақланиб келаётган бу бўшлиқни тўлдириш учун олимларимиз, ёзувчиларимиз, санъаткорларимиз, журналистларимиз фурсатни бой бермасдан тезроқ амалий ишга киришишлари лозим.

Иккинчи жаҳон урушида ўзбек халқи кўрсатган жасорат ва матонат бугунги

кунгача тўла эътироф ва ифодасини топгани йўқ. Бу борада бизга Президентимиз нуқти дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Унда илгари сурилган ғоялардан келиб чиқиб, тарихчиларимиз илмий тадқиқот ишлари олиб борсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

9 май байрамидан кейин Самарқанд давлат университети ректори, профессор Рустам Холмуродов, «Нуроний» фонди вилоят бўлими раҳбари, ЎзХДП фаоли Хасан Нормуродов билан Президентимиз тақлифи юзасидан сўбатлашдик. Бу эзгу ташаббусдан университетимиз олимлари, айниқса, тарих факультети профессор-ўқитувчилари ҳам четда турмайди. Барчамиз мурожаатда илгари сурилган вазифаларни сидқидилдан бажаришга ўзимизни масъул, деб биламиз.

СамДУ тарих факультети домлалари, талабаларидан иборат гуруҳни шакллантириш, Самарқанд вилоятидан урушда қатнашганлар, ҳалок бўлганлар, бедарак кетганлар ҳақида маълумотлар, фотосуратлар, тарихий ҳужжатларни йиғишда мутасадди идораларга беминнат, ҳолис ёрдам бермоғимиз керак.

Бу билан биз Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари олдидagi инсонийлик бурчимизни адо этган бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ДАВЛАТ МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИ ВА ДАВЛАТ АРХИВЛАРИ
ХОДИМЛАРИ МЕХНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН
ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УЛАРНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ
КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакатда давлат театрлари, цирклари, музейлари, ҳайвонот боғлари, концерт ташкилотлари, ижодий жамоалари, маданий-маърифий муассасалари (кейинги ўринларда давлат маданият муассасалари деб юритилади) ва давлат архивларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқаруви ташкил этилиши маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини юритишга, миллий маданий ва маънавий меросни асраб-авайлаш ва кўпайтириш юзасидан тизимли чора-тадбирларни амалга оширишга, санъатни ва бадий ижодни ҳар томонлама ривожлантиришга, халқимизнинг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада юксалтиришни рағбатлантиришга, уни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этишга имкон бери.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги (кейинги ўринларда — «Ўзархив» агентлиги) томонидан Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондида бўлган ҳужжатли маданий мерос объектларини ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш юзасидан чоралар кўришмоқда.

Шу билан бирга, бадий ижодни, жумладан, театр, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъатини янада ривожлантириш, халқ тарихи ва унинг замонавий ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларини

акс эттирувчи асарлар яратишда ижодий жамоаларга, айниқса, ижодкор ёшларга ҳар томонлама қўмаклашиш бўйича белгиланган вазифалар маданият ва архивлар соҳасидаги малакали кадрларни рағбатлантирмасдан таъминланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилаётган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг ижодий маҳоратини муносиб баҳолашни таъминлашга, касбий даражасини ҳамда малакасини узлуксиз ошириши учун рағбатлантириш усулларини яратишга йўналтирилган меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий таъминотини яхшилаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Ўзархив» агентлиги, Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг:

2018 йил 1 июндан давлат маданият муассасалари артистлари, маъмурий-бошқарув, бадий-раҳбар, ижодий ва бошқа ходимларининг, шунингдек, давлат архивлари бошқарув ходимлари ва мутахассисларининг (кейинги ўринларда — давлат маданият муассасалари ва давлат архивларининг ходимлари) меҳнат ҳақи миқдорларини ўртача 45 фоизга ошириш;

2018 йил 1 июндан давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг малака тоифалари ва лавозимлари бўйича базавий лавозим маошларини белгилашни назарда тутуви меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ҳамда лавозим маошлари ўртасидаги тафовутни кўпайтириш ҳисобида касбий ўсишни рағбатлантириш;

2018 йил 1 июндан Ўзбекистон давлат цирки, ҳайвонот боғлари, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг кўзи очилар учун кутубхоналари ҳамда давлат архивлари ходимларининг алоҳида тоифаларига театр-концерт ташкилотларининг артистлари ва бадий ходимларига узоқ муддат хизмат қилганлиги учун белгиланган миқдорларда ҳар ойда тақдирлаш пули тўланишини белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорда назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилиши ва узоқ муддат хизмат қилганлиги учун ҳар ойда тақдирлаш пули тўланиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилаётган давлат маданият муассасалари ҳамда давлат архивларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилаётган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорларини; мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ узоқ муддат хизмат қилганлиги учун ҳар ойда тақдирлаш пули белгиланаётган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг алоҳида тоифалари рўйхатини;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилаётган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

4. 2018 йил 1 июндан концерт-томоша кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган, юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан, норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромадлар олаётган микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 30 фоиздан 5 фоизгача пастайтирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроекonomie кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджетни параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-3454-сон қарорига 91-илованинг рус тилидаги матнида 4-позицияси «Ставки налога в % к налогооблагаемой базе» устунидаги «30» рақами «5» рақами билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва «Ўзархив» агентлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси маданият вазир Б.С.Сайфуллаев ва «Ўзархив» агентлиги бош директори У.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 14 май

МУНОСАБАТ

КЕЧАГИ ЖАСОРАТ,
БУГУНГИ АРДОҚ



Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
ЎЗДП фракцияси аъзоси

Сизни кеча кўрган эдим... Ўшанда бўйларингиз баланд, қадамларингиз шаҳдам, хушқад, хушсурат эдингиз. Елкангиздаги оғир курул билан Ватанни қучоқлаб, уни осмон қадар кенг бағрингизга босиб кетган эдингиз. Сиз худдики, Фарход, Алпомиш... Шунинг учун ҳам қаҳратонни, очлик ва азобни, ҳижронни енгдингиз. Ватан ишқи музларни эритди. Чимилдиқ кўрмай душман ўқига учган қуролдош дўстларингиз хотираси ҳақи юрагингиз қасосга тўлиб бораверди. Ўч олиш азоби бутун жисмингизни эгаллаб олди. Бу интиком ғалабини яқинлаштиргандан яқинлаштираверди.

Кечаги Сиз — бугунги бизлар. Кечаги мардларингиз — бугунги тинчлигимиз, дорилмон қунаримиз.

Бугун Сизни яна кўрдим. Энди Сиз улфайган эдингиз. Фаршта эдингиз. Ўзингизнинг ёшларингизга айланган полковниклар билан йилларнинг тугаллигидан тугган, оҳиста-оҳиста қадам ташлаб Сизни кутаётган, қўлаётган, олқишлаётган давра томон бошлаб келарди. Ниҳолларингизда қувонч отли туғунинг расми, шукроналикнинг ифодаси бор. Сиз эртанги кунимиз порлоқ бўлсин, деган озунигиз рўйга чиқганини сездингиз, ўз кўларингиз билан кўрдигиз. Қувончингиз осмон бўлди. Шукрона айтдингиз.

Уруш тугаганига 73 йил бўлганига қарамай, хотиралар, изтироблар ва кўз ёшлар, айриликлар, ҳижронлар ҳамон биз билан. Мухтарам Президентимиз таъкидлаганидек, машъум урушда 500 мингга яқин юртдошимиз ҳалок бўлган. Бу рақамлар кишини ўйга толдиради. Бу тақдирлар ёдга олинганда томирларингиз музлабди, юрагингиз орқа тортади, дард-дунёнинг қоронғу бўлади... 19 йилда бева қолган гулдек келинлар, ота дийдорига зор гўдаклар, боласи етимга айланган оналар, аламлирини ичга ютган метиндек оталар кўз ўнгимдан бир-бир ўтаверди.

Хотира ва кадрлар кунини юксак савияда ўтказиш мақсадида қабул қилинган Президент Фармон ва Қароридан, аввало, ёши улғу инсонларни, уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг манзилли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда улар учун яратилаётган имтиёزلар қўламини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Иккинчи жаҳон уруши шижоатқилари бир марталик 5 миллион сўм пул муқофоти ва қимматбаҳо соатнинг тантанали равишда топширилгани уларнинг қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди.

9 май — Хотира ва кадрлар кунига бағишлаб ўтказилган тантанали тадбир ҳам жуда ҳажонли ва таъсирчан ўтди. Яхшиликнинг умри боқийлиги, жасорат унутилмаслиги, хотира уйғоқлиги, кадр абадийлиги шу кунга яна бир бор намоён бўлди. Бунга ростки дунё ҳавас қилди. Элчилар, дипломатик корпус вакиллари тантанали давранинг ҳар бир иштирокчисига ҳавас билан қаради. Кекса авлоднинг кечаги жасоратига, бугунги ардоғига... Мамлакатимизда инсон шаъни улуғланаётганига, кадр топаётганига...

Бу шундай элики, меҳр-оқибат кўрсатиш унга қадим мерос. Ғалаба байрамининг кенг нишонланиши айниқса, ўсиб келаётган авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга. Чунки мард, жасур, ватан учун жон фидо қилган юртдошларимизни улуғлаш, уларнинг хотирасини ёд этиш, тирикларга ҳурмат кўрсатиш, эъзозлаш орқали ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаймиз. Биз уларни эъзозлаш орқали улғу кадрларимизнинг боқийлигини, бардавомлигини бутун дунёга намоийш этамиз. Давлатимиз раҳбари айтганидек, «Болаларимизга ҳам бағрикенглигимиз ўтсин»...

Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани, Хўжабод М.Ф.И. Фафур Фулом кўчаси, 42-уйда яшовчи яқка тартибдаги тадбиркор Нарзуллаева Умеда Нарзуллаевна номига берилган муҳр ва штамп йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛНАДИ.

МУРОСА ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИГАН ҲОЛАТ

ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИГА

Шўрчи тумани ҳокимлиги ҳамда айрим мутасадди ташкилотлар раҳбарлари
жавоб беришмади. Ушбу вазият юзасидан депутатларнинг прокурорга қилган
муурожаатига ҳам икки ойдан буён жавоб келмади...

— Депутат ва фаолларда ташаббускорлик етишмайди, деб кўп гапирармиз. Лекин айрим раҳбарлар депутат ташаббусига бепарволик билан қараётгани ҳам муаммага сабаб бўлмоқда, — дейди **Ўзбекистон ХДП Шўрчи туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Ботиржон Ражабов**. — Одамларнинг дардини ешитиш ва электратни қўйиётган масалаларга ечим топиш мақсадида юборилаётган депутатлик сўровларининг жавобсиз қолаётганини қандай баҳолаш мумкин? — Бугун одамларни ишсизлик, банк-молия, тиббиёт ва таълим соҳасидаги муаммолар кўпроқ қийнаётди, — дейди **халқ депутатлари Шўрчи туман кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи раҳбари Ботиржон Ражабов**. — Депутатларимиз ушбу масалаларда мутасаддиларга муурожаат қилмоқда.

— Депутатлик сўрови юборишни тубдан ўзгартириш ва янгича усуллардан фойдаланиш керак, — дейди **халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Аскаралӣ Хуррамов**. — Ўтган йили ЎЗХДП гуруҳи томонидан 94 депутатлик сўрови юборилди. Жорий йилнинг ўтган уч ойида эса бу кўрсаткич 22 тани ташкил қилган. «Шўрчи туманга» филиали, Бандликка қўмаклашиш маркази, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди депутатлик сўровларига қонунда белгиланган муддатда ва асосли жавоб берганини алоҳида таъкидлаш лозим. Аммо депутатлик сўровига бепасанд қараётган раҳбарлар ҳам бор.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида «Катта Совур» маҳалласидан Саидхон Нусратов маҳалла гузарлиги куриш борасида Жамоатчилик қабулхонасига муурожаат қилган. Масала партия гуруҳи томонидан ўрганилганда, ҳудудда маиший ва савдо хизмати кўрсатадиган шаҳобчага эҳтиёж борлиги аниқланган. 2017 йилнинг 5 декабрь кунини Шўрчи туман ҳокимига фуқаро Саидхон Нусратовга ярим сотих ер майдони ажратишда амалий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ сўров юборилди. Амалдаги қонунларимизда сўровга ўн кун муддатда жавоб бериш белгиланган бўлса-да, қарийб ярим йилдирки, масъуллар бунини пайсалга солмоқда...

Йўллар иқтисодиётнинг қон томирлидир. 198 йил нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган ҳудуддаги баъзи ички йўллар таъмирталаб бўлса, айрим маҳалла ва қишлоқ кўчалари ёзда чанг, қишда эса лой. «Ички йўлларни таъмирлаш мақсадида маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағларнинг манзилли ишлатилиши тўғрисида»ги масалани ўрганиш учун ЎЗХДП гуруҳи 2017 йилнинг 18 октябрь кунини Шўрчи туман ҳокими ўринбосарига сўров юборган. Ўз вақтида жавоб бўлмагандан кейин, 2017 йил 4 декабрда такрорий сўров юборилган. Афсуски, масъуллар яна жим...

бўлмагандан кейин, 2017 йил 4 декабрда такрорий сўров юборилган. Афсуски, масъуллар яна жим...

Шўрчи туман мактабгача таълим бўлими мудирига 2018 йилнинг 9 март кунини юборилган депутатлик сўровида таълим муассасалари кесимида ота-оналарнинг бадал суммаларидан қарздорлиги, тарбияланувчиларга бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва масъул ташкилотларнинг рўйхатини тақдим қилиш сўралади.

— Тегишли ҳужжат ва маълумотларни ўз вақтида ололмадик, — дейди **халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Тўйчи Жангиров**. — Маълум бўлишча, сўров бўлими мутасаддиларининг бепарволиги сабабли йўқолган экан. Жорий йилнинг 24 март кунини эса иккинчи сўров юборилди. Минг афсус, бу гал ҳам жавоб йўқ...

Тўғрисида айтганда, айрим амалдорлар муурожаатларга лоқайд ва бепарво қарайди. 2003 йилда фойдаланишга топширилган 91-қишлоқ оилавий поликлиникамиз 4 маҳалланинг 16500 нафардан ортиқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатади. Авария ҳола-

тидаги бино ичимлик суви билан таъминланмаган. Иситиш тизими яхши ишламайди. Масалалар ечим топиш мақсадида шу йилнинг 24 январидида туман ҳокимига муурожаат қилдим. Аммо муаммага эътиборсиз қаралди.

...Ўзбекистон ХДП Шўрчи туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Ботиржон Ражабовнинг 2018 йил 16 мартда Шўрчи туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Акбар Астанақуловга йўллаган хатида жумладан шундай дейилган: «...Халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи томонидан туман Ички ишлар бўлимига 2017 йил 27 ноябрь ҳамда 2018 йил 16 февралда доимий комиссия хати чиқарилган. Туман ҳокимлиги депутатлик сўровлари юборилган. Аммо ҳар иккала идора ҳам муурожаатларга бепасандлик билан қараб келмоқда. Ушбу ҳолатлар юзасидан текшириш ўтказиб, камчиликларга йўл қўйган шахсларнинг интизомий жавобгарлик масаласини белгиланган тартибда ҳал этишингизни сўраймиз...».

Шундан кейин масала ижобий ечим топгандир, деб ўйлашнинг табиий. Икки ойга яқин вақт ўтган бўлса-да, туман прокуратураси бунга муносабат билдиргани йўқ. Негар? Жавоб ёзишга амалдорларнинг вақтлари йўқми, эҳтимол улар депутатлик сўрови нималигини яхши тушунишмас? Унда депутат ким депутатлик сўрови нималигини тушуниш керак бўлади.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

Tahrir hay'ati:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80.

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida

0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi — 3 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

O'zbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat

ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 538, 11339 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 00:05.

Topshirilgan vaqti — 03:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



Gazetaning elektron sahifasiga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 4 5 6